

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОР ВА ТЕРГОВЧИ ФАОЛИЯТИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСЛАРИ

Базарова Дилдора Бахадировна

Тошкент давлат юридик университети профессори,

юридик фанлар номзоди.

E-mail: d.bazarova@tsul.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7317673>

Аннотация. Мазкур тезисда жиноят процессида прокурор ва терговчи фаолиятининг процессуал кафолатлари жиноят-процессуал соҳадаги назарий ва қонунчилик қоидалари асосида атрофлича тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: прокурор, терговчи, процессуал, кафолат, қонун, кафолат, жиноят, жиноят процесси, тергов.

Жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслардан бири бўлган прокурор ва терговчи, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда шунга боғлиқ равишда ушба мансабдор шахслар фаолиятининг процессуал кафолатлари масаласи амалдаги қонунчилик нормалари ва соҳа тадқиқотчиларининг илмий-назарий қарашлари асосида ушбу мақолада атрофлича таҳлил қилинади.

Хусусан, прокурор жиноят процессининг суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириб, қонунчиликда белгиланган процессуал ваколатларни ҳамда судларда ишларни кўриб чиқишда давлат айбловини қувватлашда процессуал фаолиятни амалга оширади.

Жиноят процессуал қонунчиликда прокурор суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонуннинг бузилишини, ким томонидан содир этилганлигидан қатъи назар, бартараф этиш учун қонунда назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида кўриши шартлиги ҳамда прокурор ўз ваколатларини ҳар қандай орган ва мансабдор шахсдан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсуниб амалга ошириши белгиланган.

Прокурорнинг мазкур фаолияти ҳеч қандай тўсиқларсиз амалга оширилиши учун қонунчилик билан фаолиятининг кафолатлари белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Амалдаги қонунчилик асосида прокурор фаолиятига оид кафолатлар тизимини қуйидагича кўриб чиқамиз.

Хусусан, “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра, прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай

давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширадилар. Прокуратура органларининг фаолиятига аралашшиш тақиқланади.

Ушбу Қонунда белгиланишича, прокурорнинг ғайриқонуний қарор қабул қилишига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бирон-бир таъсир кўрсатиш ёки фаолиятини амалга оширишига тўсқинлик қилиш, унинг дахлсизлигига тажовуз қилиш, шунингдек прокурор ёки терговчининг рухсатсиз текширишлар ва дастлабки тергов маълумотларини ошкор этиш, прокурорнинг талабларини бажармаслик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади

Жиноят қонунчилигига мувофиқ тергов қилишга аралашшиш, яъни ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида прокурорга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказишга тегишли жавобгарлик чоралари белгиланган.

Жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслардан бири сифатида прокурор ва унинг процессуал кафолатларига оид илмий-назарий қарашларни қуйидаги тадқиқотчиларнинг концептуал фикр-мулоҳазалари асосида кўриб чиқамиз.

Жумладан, кафолатлар прокурорларга давлат томонидан зиммасига юклатилган вазифаларни ҳал этишда ўз вазифаларини бажариши ва ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятини беради, хусусан: қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатлари ҳимоя қилиш [1].

Таъкидлаш лозимки, миллий қонунчиликда “Прокурор дахлсизлиги” тушунчасининг аниқ ҳуқуқий тавсифи ва мазкур тушунчанинг жиноят процессуал қонунчиликдаги ҳолатига оид бирор ҳуқуқий норма мавжуд эмас.

Бироқ, “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 49-моддаси “Прокуратура органлари ходимининг дахлсизлиги” деб номланган бўлсада, мазкур моддада прокурорга нисбатан жиноят иши кўзғатиш ва дастлабки тергов ўтказиш ҳамда унинг интизомий жавобгарлигидан бошқа прокурор дахлсизлигига оид аниқ ҳуқуқий механизмлар кўзда тутилмаганлигини кўриш мумкин.

Фақатгина Жиноят-процессуал кодексининг 223-моддасига мувофиқ, прокурор ушлаш чоғида иммунитет ҳуқуқидан фойдаланувчи шахслардан бири этиб белгиланган бўлиб, унга кўра прокурорлар ушлаб турилиши

хамда ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниши мумкин эмас.

Шунингдек, мазкур кодекснинг 239-моддасига мувофиқ, прокурорга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилиги билан қўлланилиши мумкинлиги белгиланган.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг “Прокуратура органлари ходимининг дахлсизлиги” деб номланган 49-моддаси нормасини қайта таҳрир этилиши прокурор фаолияти кафолатларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслардан бири сифатида терговчи фаолиятининг процессуал кафолатлари моҳияти ва унинг асосий элементлари масаласи процессуалист олимлар томонидан атрофлича тадқиқ этилган.

Хусусан, терговчи фаолиятининг процессуал кафолатларининг асосий йўналишларидан бири бўлган “терговчининг процессуал мустақиллиги” категорияси бўйича ҳуқуқшунос олимларнинг назарий қарашлари илгари сурилган.

Процессуалист олималар З.Ф.Иноғомжонова ва Г.З.Тўлагановаларнинг фикрича, “терговчининг мустақиллиги ва масъулдорлиги, у бажарадиган функцияларнинг асосида ётади. Бу терговчи дастлабки тергов давомида амалга оширадиган жиноят ҳолатларини ўрганиш ва ҳал қилишда яққол намоён бўлади. Айнан иш ҳолатларини ўрганиш жиноят иши бўйича оралик ва якуний қарорларни чиқариш ва айблов ёки ҳимоя учун асос бўлиб хизмат қилади. Терговчининг баъзи вазифалари маълум бир жиноят ишини кўриб чиқишда бажарилмаслиги ҳам мумкин. Терговчи мустақиллигининг чегараси унга берилган ваколатлар доираси орқали белгиланади. Терговчи ўз ваколатларини амалга ошириш давомида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга сўзсиз риоя қилиши лозим. У, ҳатто, айбланувчига нисбатан тергов ҳаракатларини амалга ошириш учун сўроққа чақиришда, маълум бир жиҳатдан шахснинг эркинлигини чеклашга, яъни кундалик иш билан шуғуллана олмасликка сабаб бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиши керак. Шу сабабли терговчи барча ҳолатларни чуқур таҳлил қилган ҳолда айбланувчини тергов органига чақириш керакми ёки йўқми, деган масалани ҳал қилиши лозим”[2].

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, “терговчининг процессуал мустақиллиги” категорияси ўз ичига жиноят иши доирасида тергов жараёнининг барча босқичларида терговчининг мустақил раҳбарлик қилиши, тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оширишда қонунчиликда белгиланган тартибда мустақил қарор қабул қилиш каби масалаларини қамраб олишини тушуниш мақсадга мувофиқ.

Миллий қонунчиликда терговчининг мустақиллиги ва терговга аралашган ҳолатлари бўйича жавобгарлик масалалари қуйидагича тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 36-моддасига кўра, терговчи терговнинг йўналиши ва тергов ҳаракатларини юритишга оид барча қарорларни, прокурор рухсатини олиш қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, мустақил равишда қабул қилади[3].

Жиноят қонунчилигига мувофиқ тергов қилишга аралашиб, яъни ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида терговчига турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказишга тегишли жавобгарлик чоралари белгиланган.

Амалдаги қонунчиликдан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, яъни “терговчининг дахлсизлиги” тушунчаси ўз ичига фақатгина жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши кабиларни қамраб олган.

Шундан келиб чиқиб, амалдаги қонунчиликка терговчи фаолиятининг процессуал кафолатларидан бири сифатида “Терговчининг дахлсизлиги”га оид қуйидагиларни киритилиши мақсадга мувофиқ:

– тергов органларига гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилиш учун чақирилиши;

– терговчининг “турар жойига ёки хизмат хонасига, фойдаланадиган транспортга кириш, уларни кўздан кечириш, уларда тинтув ўтказиш ёки улардан ашёни олиш” [4];

– терговчининг телефондаги сўзлашувларини эшитиш;

– терговчини шахсан кўздан кечириш ва уни шахсий тинтув қилиш;

– терговчининг хат-хабарларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ёхуд олишга оид аниқ ҳуқуқий механизмларни белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, жиноят процессида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокурор фаолияти ҳамда тергов фаолиятини амалга оширувчи

терговчилар фаолияти кафолатларининг ташкилий-хуқуқий асосларини аниқ белгиланиши, соҳада таъсирчан ва самарали назоратни амалга оширилишининг гаровидир.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Королёв Г.Н. Правовые гарантии прокурорской деятельности // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2017, № 3, с. 142 – 146.
2. Иноғомжонова З.Ф. Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси иштирокчилари. Ўқув қўлланма. /ю.ф.д. проф. М.Ҳ. Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. – Б 53.
3. www.lex.uz
4. www.lex.uz